

## Сезрми бармоқлар мўъжизаси

### Хунармандчилик



Ўзбек миллий каштадўзлиги халқ хунармандчилиги санъатининг энг қадимий турларидан бўлиб, халқимизнинг турмуш тарзини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Кашта либослар ва буюмларни безашда қадимдан қўлланилган. Кашталардаги анор, бодом шакли нақшлар бахт, меҳр-муҳаббат, тотувлиқ маъноларини англатган.

Кашта чоклари, уни тикиш ва услубларининг турли-туманлиги ўзбек каштадўзларининг катта санъатидан далолат беради. Масалан, Нурота, Бухоро, Самарқанд каштачилиги маҳсулотлари кўпроқ йўрмачок, Шахрисабзда кандахаёл, ироқи, Тошкентда босма чок билан тикилган. Ижтимоий ҳаётда рўй берган ўзгаришлар каштадўзлик анъаналари, маҳсулотнинг турларига таъсир кўрсатган.

4

### Тақдимот



## УЛУҒ ИШДИР ВАТАННИ АСРАМОҚЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясида "Мард аскарга совға" китоблар тақдимотиға бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тақдимот аввалида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграб, мамлакатимиз ҳарбий салоҳиятига оид видеоролик намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайридин Султонов ёшларни Ватанга садоқатли, юрт тақдирига дахлдор, эртанги кун учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр инсон этиб камолга етказиш масаласи маънавият соҳасида кечаётган тизимли ишларда устувор эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 2023 йил 22 декабрда ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг ҳамда жорий йил 12 январь кунини Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий Армиямиз салоҳиятини юксалтириш, буюк жаҳонгир боболаримизга эҳтиром туйғуларини

кучайтириш, навқирон авлодга аждодлар матонатини синдириш бугун тобора долзарблиқ касб этилганга эътибор қаратган эди. Шу билан бирга, бугун ёшлар онги ва қалби учун кураш авж олган мураккаб бир даврда ҳарбийлар жасорати, "Темурбеклар мактаби", Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий-академик лицей ҳаёти ҳақида ёрқин ва таъсирчан санъат асарлари, мақолалар, очерклар тайёрлаш, ёшларимизни "Ватан таянчи" ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати атрофида бирлаштириш гоёт муҳим.

Айни пайтда "Халқ ва армия – бир тану, бир жон!" гоёсини жамиятимизда тобора мустаҳкам қарор топтириш, тинч ва осуда ҳаётимизни химоялашни ўзининг умр мазмунига айлантирган посбонларимиз қатъияти ва шижоатини ёшларга ибрат сифатида кўрсатиш мақсадида "Ватан манзумаси" маърифий лойиҳаси тизимли йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Мард аскарга совға" туркум китоблар тўплами нашр этилиб, аскарларга тақдим этилмоқда.

2

## Вилоят бўйлаб

Ўзбекистон "Ветеран" жангчи фахрий ва ногиронлар бирлашмаси ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан ЯНГИЙЎЛ шаҳар ва туман фахрийлари, Афғон уруши қатнашчилари учун "Умрзоқ ота" тантаналар уйида байрам дастурхони ёзилди. Тадбирда фахрийлар бир пиёла чай устида дилдан суҳбатлашди.



ПИСКЕНТ туманидаги 1-сонли касб-хунар мактаби ва тумандаги ҳарбий қисм қўмондонлиги билан ҳамкорликда ўқувчи ёшлар учун "Ҳарбий қисмда бир кун" лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди. Унда ёшлар ўқ отиш, жанговар ҳолатларга тайёрлик машқларини бажаришди.



АНГРЕН шаҳрининг "Чинниобод" маҳалласи идорасида "Ёшлар кутубхонаси" ташкил этилди. Кутубхонага шаҳар Адлия бўлими томонидан 300 га яқин китоблар туҳфа қилинди.

ОЛМАЛИҚ шаҳар касб-хунар мактабида шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда шаҳар ИИБ пробация гуруҳи ҳамкорлигида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган маҳкумларнинг 3 нафарига ишга йўлланма берилди, 8 нафари шу жойнинг ўзида ишга қабул қилинди.

## ВИЛОЯТ ФУТБОЛИ: ЎРТАМИЁНАЛИК ҚАЧОНГАЧА?

### Бизнинг шарҳ

### Клубларимиз мавсумга тайёрми?

Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигасининг янги мавсуми бошланишига ҳам оз вақт қолди. Хўш, жорий йилги чемпионатга Тошкент вилояти жамоалари қандай тайёргарлик кўрмоқда? Клубларда бу мавсум ижобий ўзгаришлар кузатиладими ёки ҳаммаси эски ҳолича қоладими?



3

## ХИТОЙЛИКЛАРНИ ҚИЗИҚТИРГАН ИНТЕНСИВ УСУЛ

Дунёда кўзқоринларнинг 100 мингдан ортиқ тури мавжуд. Ўзбекистонда эса 100 дан ортиқ тури ўсади. Шундан атиги 25 хилигина истеъмолга яроқли ҳисобланади. Уларни қуритилган, қайнатилган, тузланган, маринадланган кўринишда истеъмол қилиш мумкин.

### Тадбиркорлик



2

### Томорқа – хазина

## Кўклам кўкини ёйгунча...

Яқинда Бекобод туманидаги "Ёшлик-2" маҳалласида бўлди. Шундоққина йўл четида жойлашган томорқалар яшнаб тургани ҳавасимизни келтирди. Айниқса, катта йўлдан ярим чақирим наридаги иссиқхона эътиборимизни тортди. Маҳалла раиси Нарзулла Бобоев билан ўша хонадонга йўл олди. Йўл-йўлакай маҳалла ҳаёти, муаммолар, томорқачиликнинг ривожини юзасидан суҳбатлашдик.



2



## УЛУҒ ИШДИР ВАТАННИ АСРАМОҶЛИК!



Шунингдек, тақдиротда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов, бугунги кунда мазкур соҳада 4 миллион нафардан ортиқ ёшлар билан тизимли ишлаш кенг йўлга қўйилгани, ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларга ватанпарварлик ҳолатини сингдиришга катта эътибор қаратилаётганини, бунда ҳарбийлар билан ижодкор зиёлилар ўртасидаги маърифий ҳамкорлигини тобора кучайтириш муҳим эканини қайд этди.

— “Мард аскар”, “Ватан посбони” деган тушунчалар айнан Янги Ўзбекистон даврида янги маъно-мазмун билан бойиди. — деди Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Сайид. — Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кенг байрам қилинаётган шу кунлар Халқаро китоб совға қилиш кўни билан уйғун тарзда нишонланмоқда. Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар академиясига китоблар ҳада

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

қилиш яхши аъёнага айланган. Мазкур тадбирга ҳам катта китоблар карвони билан келдик.

Айтиш жоизки, “Мард аскарга совға” тўплами “Энг яхши шароф”, “Биз биргамиз”, “Юрт қайғуси”, “Эр йигитлар сенга посбон”, “Жангчи кўшиғи”, “Улуғ ишдир Ватанни асрамоқлик!”, “Бу элнинг ўғлонлари” каби китобларни ўзда жамлайди.

Тадбирда кино, театр, адабиёт, тасвирий санъат, матбуот соҳасининг бир гуруҳ фаол вакиллари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг “Ёш авлоднинг ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун” кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Шунингдек, тадбирда кейинги йилларда адабиёт, санъат ва маданият соҳасида қўлга киритилган ютуқларга оид ролик намойиш этилди. Жаҳонгир Амир Темур бобомиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи спектаклдан лавҳалар, Ватанни, истиқлолни, тинч, осуда, фаровон ҳаётни тараннум этувчи куй-кўшиқлар янгради.

Назоқат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## ХИТОЙЛИКЛАРНИ ҚИЗИҚТИРГАН ИНТЕНСИВ УСУЛ

Ўрта Осиё табиблари қолдирган ёзувларда, хусусан, Абу Али Ибн Сино манбаларида қўзиқорин қондаги холестерин миқдорини пасайтириши, томилардаги тиқилмаларни тозалаш айтилган. Замонавий тиббиётда ҳам уларнинг табиий инсулин ва ферментларга бойлиги аниқланган, шу боис қандли диабетда жуда яхши озуқа бўлиши таъкидланади.

Яқинда вилоятимизга ташриф буюрган Хитой делегацияси вакиллари истиқболли лойиҳалардан бири бўлган қўзиқоринни иссиқхоналарда интенсив усулда етиштириш ва уни қайта ишлашни йўлга қўйиш лойиҳаси доирасида Ўрта Чирчиқ туманининг “Дўстлик” (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



маҳалласидаги “Маннаев агро кластер” МЧЖ фаолияти билан танишишди. Бу ерда ўзига хос усулда етиштирилаётган қўзиқоринлар хитойликларда ҳам қизиқиш уйғотди.

Рустам Миванченев раҳбарлик қилаётган мазкур корхона маҳалладаги 34 та хонадонни кооперация усулида бириктириб, қўзиқориннинг “вешенка” намини етиштиришни кенгайтирмоқда. “Маннаев агро кластер” МЧЖнинг йиллик қуввати 150-160 тоннани ташкил этмоқда.

Аваллига оддий қизиқшдан бошланган иш бугун катта тадбиркорликка айланиб, маҳалла аҳлини ҳам ишли, ҳам даромадли қилмоқда. Хонадонларда етиштирилаётган қўзиқоринлар барча стандартларга мос равишда шу ернинг ўзиде қайта ишланиб, маҳаллий бозорга чиқарилмоқда.

Нозима РАСУЛОВА,  
“Тошкент ҳақиқати” мухбири  
Жалопиддин ЭСОНОВ  
олган сурат

## Кўклам кўкини ёйгунча...

Раиснинг айтишича, маҳаллада олти юзга яқин хонадонда уч мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Умумий ер майдонининг 62,5 гектари аҳоли томорқаси ҳисобланади. Аҳолининг бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва деҳқон хўжаликлари ташкил этиш мақсадида ибратли ишлар

берилган катта имконият экан.

— Деҳқонobod қишлоғида туғилиб улғайганман, — дейди Йигитали Усмонов. — Ота-бобларимиз деҳқончилик қилиб кам бўлишмади. У пайтлар бугунгидек шароитлар қайда дейсиз. Кўчат етиштиришнинг заҳматларини катта бўлиб оғлайдим. Томорқа-

муш ўртоғи, икки ўғли ва келини шу иссиқхонада ишлашади. Жорий йилда оила аъзолари 6-7 мингга яқин қўзиқорин етиштиришни режалаштиришган.

— Баъзида ҳайрон бўламан, — дея сўзини давом эттирди хонадон соҳиби. — Айримлар ховлисиде катта-катта томорқаси бўлатуриб, мусофир юртларда



амалга оширилибди. Ишсиз ёшларни ва аёллар е-аукцион орқали 30 йиллик ижара шартномаси асосида ерга эгаллик қилишаётган экан.

Йигитали акани иссиқхона қаршисида учратдик. Унинг айтишича, томорқа хонадон эгасига (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

миз 15 сотих, унинг 3 сотихида иссиқхона қурганмиз. Айни пайтда 2 хил қўзиқорин кўчатини етиштиряймиз. Насиб қилса, эрта баҳорда бозорга чиқарамиз. Бизда сув танқис. Шу боис йилда икки марта ҳосил оляймиз. Агар томчилатиб суғоришни йўлга қўйсак, 3 марта ҳосил олишга эришамиз. Йигитали аканинг тур-

дуч келган ишларни қилиб юришади. Агар томорқада астойдил меҳнат қилинса, ўша мусофирчиликдан кўра кўпроқ даромад топиш, оиласи даврасида хотиржам яшати мумкин. Бунинг учун озгина ғайрат ва ҳаракат бўлса бас.

Нигора ЎРОЛОВА,  
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

### ■ Назорат

Бекобод шаҳридаги “Фарҳод” ҳамда “Бекобод авто” чегара божхона постларига радиация портал монитори ўрнатилди.

Очилиш маросимида АҚШ Энергетика вазирлигининг Ядровий контрабандани аниқлаш ва олдини олиш божқармаси вакиллари, шаҳар ҳокимлиги масъуллари, вилоят божхона божқармаси ходимлари қатнашди.

## Постларда радиацион ҳолатлар текширилади

Тадбирда республика- миз чегара божхона постларида мониторинг ўрнатиш ҳамда ходимларнинг радиация хавфсизлиги бора- сизда билим ва кўникмаларини ошириш ҳақида сўз юритилди.

Маълумки, Президентимизнинг 2019 йил 13 сентябрдаги “Оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш ва ядровий ҳамда бошқа радиоактив моддаларнинг ноқонуний айланishiга йўл қўймастик соҳасида ҳамкорлик бўйича лойиҳани амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги Қарорига асосан давлат чегарасидан ўтказиш пунктларида аниқланадиган махсус ядровий ва бошқа радиоактив материалларнинг ноқонуний айланishi- нини аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш борасида муҳим лойиҳалар белгиланган эди.

Бу борада Бекобод шаҳрида ҳам амалий ишлар бошланди. Бундан аввал “Радиация хавфсизлиги” лойиҳаси доирасида республикамизнинг “Айритом”, “Яллама” ва “Ғишт-кўприк” чегара божхона постлари учун умумий қиймати 2,7 миллион доллар миқдорига тенг бўлган радиация портал мониторлари ўрнатилган эди. Унинг махсус тизими сунъий интеллект асосида бир вақтнинг ўзиде минглаб фуқароларни назоратдан ўтказган ҳолда радиацион манбаларнинг гуруҳлари, яъни табиий, саноат ва ядровий манбалар бўйича аниқлайди.

Шу билан бирга, бу мониторлар жараёни кузатиб борган ҳолда назорат олиб борувчи ходимларга хабар бериш каби хусусиятлари билан амалдаги тизимлардан тубдан фарқ қилади. Божхона ходимлари синов давомида тизимни янада такомиллаштириш юзасидан ўзаро фикр алмашиб, мутахассисларнинг бу борадаги тажрибаси билан яқиндан танишишди.

Абдулазиз МУСАЕВ

### ■ Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарорига асосан “TOSHKENTLIFTXIZMATI” МЧЖ (ИНН: 302493042) тугатилади.

Шикоят ва эътирозлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, М.Ғофуров кўчаси, 127-уй.  
Телефон: (99) 832-05-39.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарорига асосан “DELTA CITY XALQARO YUQORI TEXNOLOGIYALI INNOVATSION MARKAZI HUDUDIDA YANGI OBYEKLARNI QURISH VA ULARDAN FOYDALANISH DIREKSIYASI” МЧЖ (ИНН: 305476148) тугатилади.

Шикоят ва эътирозлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:  
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 22-уй.  
Телефон: (99) 832-05-39.

1993 йил 16 февралда Қоньчева Ольга Георгиевна номига Яққасарой тумани, Самарқанд кўчаси, 22-уй, 16-хонадон учун берилган 11-02/2997 рақамли уй-жойни мулк эҳоллигини тасдиқловчи давлат дололатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

### ■ Эй, умри азиз...



Абдулхажжон ака ташқарига чиқиб, меҳмон билан суҳбатлашади. Меҳмон бу нарсаларни Абдулхажжон акага миннатдорлик рамзи сифатида келтирибди. Ота у кишининг сўзларини тинглаб бўлгач қаттиқ танбех бериб, иккинчи марта бундай қилмаслигини айтиб, машинадаги нарсаларни қайтариб юборди. Ушбу воқеани Хайрихон Мирзаева отанинг фарзандига берган ҳалоллик сабоғи сифатида кўп хотирлайди...

Бобомнинг туғилганларига шу кунларда 110 йил тўлди. 1914 йилда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида таваллуд толган бува Абдулхажжон Тоиров порахўрликдан ҳазар қиларди. Раҳматли бувижоним Тохираҳон ая ўзаро суҳбатларимизда: “Бувангиз иссиқхонага раҳбарлик қилган бўлсаларда, ҳеч қачон мева-сабзавотларни текинга олмас эдилар.

**Тахминан 1967 йил. Қўйлиқ иссиқхонаси директори Абдулхажжон Тоировнинг хонадони олдида устига турфа хил нарсалар ортилган машина келиб тўхтади. Машинадан тушган кишини кўриб, директорнинг катта қизи Хайрихон отасига хабар беради.**

## Бобом эккан ниҳоллар

Ҳамиша пулини тўлаб, сотиб олганлар”, деб ҳикоя қилардилар. Бувижонимни тинглаб, Абдулхажжон бувамага нисбатан меҳрим товланарди.

Менга бувамини тириклик пайтлари кўриш, кўлларидадан тутиб юриш насиб этмаган. Уларнинг фаолиятлари, қилган эзгу ишлари ҳақида 1995 йилда “Тошкент ҳақиқати” газетасида чоп этилган Мирза Аҳмедовнинг “Одамларнинг дарди билан яшаган эди” номли ёдном а орқали кенг-роқ билиб олганман. Ҳамиша газетдаги шу мақолани ўқиб, бувамининг суратига боқиб, улар билан хаёлан дийдорлашган-дек бўлам.

Абдулхажжон бувамининг меҳнат фаолияти Тошкент вилояти билан боғлиқ. Шу заминда бувамининг излари қолгандек. Бир неча совхозлар директори, колхоз раиси, Хонобод қишлоқ совети раиси, собиқ Қорасув (ҳозирги Зангиота) тумани қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, Бўка тумани ижроқўми раиси, Чиноз тумани партия қўмитаси котиби каби масъул вазифаларни бажарганлар. Туман ва ви-

лоят кенгашларига депутат этиб сайланганлар. 1966 йил ташкил этилган Қўйлиқ иссиқхонасига умрларининг охиригача (1968 йил) раҳбарлик қилганлар.

Катта фарзанд, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Носирхон Тоиров хотирлайди:

— Отамиз биз — фарзандларига танбех берганларини эслай олмайдим. Бирор нимадан ранжисалар кўзларидан билиб олардик. Бир боқишларининг ўзи етарли бўларди. Отамнинг номини ёдга олар эканман, дўстлари Умар Тоғаев, навоий-шунос Ҳамид Сулаймон, ҳамкасблари Қирғизбой ота Абдувалиев, шоғирдлари — Меҳнат қаҳрамони Раҳматилла Қамбаровларни ҳам эслайдим. Барчаларини Аллоҳ раҳматига олсин.

Бувамининг кенжа фарзанди Фозилхон Тоиров хотирлайди:

— Мен 10 ёшимда отасиз қолдим. Отам билан узоқ суҳбатлашардим, меҳрларига тўйиш армон бўлган. Бир бора бош кийимларини қўлимга олиб, ортларидан юрганим ёдимда. Ўша дамларни кўм-

Алишер ТОИРОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси



